

Акциядорлик жамиятларида корпоратив низоларни тартибга солишда юридик воситалар

Корпоратив бошқарув акциядорликда яққол намоён бўлади, чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг асоси айнан ушбу ташкилий-ҳуқуқий шакллар ҳисобланади, уларда корпоратив бошқарув тўлиқ амалга оширилиши учун бошқарув органлари мавжуд, тегишли қонунлар билан эса уларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган.

Ж.И.Юлдашев хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ичида акциядорлик жамиятлари йирик ва ўрта бизнесга, қолган хўжалик ширкатлари ва жамиятлари майда ва ўрта бизнесга хос хўжалик юритувчи субъектлар деб ҳисоблайди.¹

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган Корпоратив бошқарув кодексига айнан акциядорлик жамиятларидаги корпоратив бошқарув кўзда тутилган. Айнан ушбу кодекс акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг энг муҳим юридик воситалардан бири ҳисобланади.

Ушбу кодексга батафсил тўхталадиган бўлсак, у Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган бўлиб, XI боб, 42 банд ва 2 иловада ифодаланган ихтиёрий равишда амал қилувчи тавсиялардан иборат. Мазкур кодекс қуйидаги йўналишлар бўйича тавсиялардан таркиб топган:

- Фаолият очиқлигини таъминлаш
- Самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш
- Акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлаш
- Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш
- Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлигининг механизмларини жорий этиш
- Манфаатлар қарама-қаршилиги
- Намунавий ташкилий тузилмани жорий этиш

¹ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Т.: ТДЮИ, 2004. 22-30-бетлар.

- Ахборотларни аудит ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилиш

- Кодекс тавсияларини жорий этиш мониторинги²

Шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни амалга оширишнинг юридик воситалари умумий корпоратив бошқарувдан келиб чиқсак қуйидагилардир:

-акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувига оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар;

-акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувни тартибга солувчи хуқуқий муносабатларга таъсир кўрсатувчи юридик фактлар;

- акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув субъектларининг хуқуқий мақоми;

-акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув субъектларининг ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари.

Акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувига оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар жамият ривожланиши билан бир вақтда такомиллашиб бормоқда. Чунки бозор иқтисодиёти кучли, замонавий норматив база яратилишини тақозо этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Илҳом Абдуганиевич Каримовнинг 2015 йил 24 апрелдаги № 4720 «Замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони жамиятимиздаги улкан ислохотларга йўл очиб берди.

Юридик шахсларнинг бу турдаги ташкилий-хуқуқий шакли ва ундаги корпоратив бошқарувга оид меъёрий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

2) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрирда)

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда № 4720 “Замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш” тўғрисида фармони

4) Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган «Акциядорлик жамиятида миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиши тартиби тўғрисида»ги 2712-сонли низом, 27.08.2015 й.

² Қаранг: Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси

Акциядорлик жамиятларининг ички хужжатларида корпоратив масалаларни ҳал қилишнинг аниқ кўрсатилган тартибининг мавжуд эмаслиги, кўпчилик ҳолатларда, акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келади.³ Шуларни инобатга олган ҳолда, корпоратив бошқарувнинг муҳим юридик воситаси сифатида акциядорлик жамиятларининг корпоратив локал хужжатларини санаб ўтишимиз мумкин:

- Жамият Устави;
- Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом;
- Корпоратив маслаҳатчи тўғрисидаги низом;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низом;
- Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом.

Шунингдек, Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиниши бир неча низомларни қабул қилишни тақозо этади:

- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;
- Ички назорат тўғрисидаги низом;
- Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом;
- Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом.

Юқоридаги Кодексда санаб ўтилган низомларнинг таркиби тўғрисида ҳам тавсиялар берилган.

Чунончи, Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом АЖ томонидан очик ахборотларни ошкор қилиш мақсад ва принциплари, сайтда ошкор этилиши шарт бўлган ахборотлар рўйхати, уларни ошкор этиш муддати, тартиби ва шакли, шу жумладан, улар ошкор этиладиган ахборот каналлари, АЖ тўғрисидаги ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни эълон қилиш бўйича ижроия органининг мажбуриятлари, шунингдек бошқарув органи аъзолари, мансабдор шахслар, АЖ ишчиларининг акциядорлар ва инвесторлар, бошқа манфаатдор шахслар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ахборот алмашинув тартиби ва АЖнинг ахборот сиёсатига амал қилишини назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади. Юридик фанлари доктори Гулямов С.С. айнан ахборотларни ошкор қилишни

³ Яушев Р.И. Совершенствование нормативно-правовой базы корпоративного управления. Материалы круглого стола на тему "Мониторинг приватизированных предприятий и нормативно-правовые основы корпоративного управления", организованного Комитетом Сентата Олий Мажлиса РЎз по вопросам бюджета и экономическим реформам совместно с Госкомимуществом РЎз и Банковско-финансовой академией РЎз 19 сентября 2006г.

акциядорларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим усулларида бири деб ҳисоблайди⁴.

Ички назорат тўғрисидаги низом эса АЖнинг ички назорат органи таркибига ҳамда унинг аъзолари малакасига талаблар, ички назорат тизими тўғрисидаги ҳисобот таркиби ва уни шакллантириш регламенти, АЖ ички назорат органи тизими самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилиш тартиби ва ички назорат органи ишини мониторинг қилиш механизмлари тавсифи, унинг аъзоларига тўланадиган компенсация ва мукофот пулларини ҳисоблаш тартибини қамраб олади.

Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом, ўз навбатида, АЖ мансабдор шахсларининг АЖ манфаатини кўзлаб фаолият юритиш мажбурияти, АЖ мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш, АЖ мансабдор шахсларининг кузатув кенгашини манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши тўғрисида хабардор қилиш мажбурияти, шунингдек, кузатув кенгашининг рухсатсиз АЖ мансабдор шахсларининг бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишини тақиқлаш ва АЖ мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш, манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал этишнинг, шу жумладан, уларни ҳал этиш учун манфаатдор бўлмаган учинчи шахсни тайинлаш ёки манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш бўйича ваколатни кузатув кенгашининг мустақил аъзоси (аъзолари)га юклашнинг батафсил регламентини белгийди.⁵

Шунингдек, Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом АЖнинг дивидендларни ҳисоблашнинг шаффоф механизмини очиб беради.

Акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувни тартибга солувчи ҳуқуқӣ муносабатларга таъсир кўрсатувчи юридик фактларни акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солувчи Қонундан келиб чиқиб санаб ўтишимиз мумкин.

⁴ Гулямов С.С. Развитие законодательства об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Ташкент. 2005.

⁵ Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси.

Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Бундан ташқари, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан кўпи билан уч ой муддатда акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги, жамиятнинг кузатув кенгаши, ижроия органи ҳақидаги (тегишинча директори, бошқаруви, ишончли бошқарувчи тўғрисидаги) ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек жамиятнинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларни тайёрлаши ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаши шарт. Демак корпоратив муносабатларни ва унга таъсир қилувчи юридик фактларни барчасини рўйхатдан ўтказиш жараёнисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шунингдек, авваламбор қайта ташкил этиш (кўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) жараёнини эсда тутиш лозим.

Жамиятни таъсис этиш йўли билан ташкил этиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига кўра амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир муассис томонидан таъсис этилган тақдирда жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарор шу муассис томонидан яқка тартибда қабул қилинади.

Жамиятнинг муассислари уни ташкил этиш тўғрисида ўзаро таъсис шартномасини тузадилар, шартномада уларнинг жамиятни таъсис этишга доир биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш тартиби, жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори, муассислар ўртасида жойлаштирилиши лозим бўлган акцияларнинг турлари, улар учун тўланадиган ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш тартиби, муассисларнинг жамиятни ташкил этишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади. Демак, таъсис шартномасини тузиш орқали яна бир юридик восита-муассислар ҳуқуқий мақомини белгилайдилар.

Акциядорлик жамиятининг асосий фаолият мақсади-фойда олиш. Бундан келиб чиқадики, дивидендлар акциядорлик жамияти фаолиятининг кутилган натижаси ҳисобланади. Юқоридаги Қонунга кўра, дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди. Дивиденд акциядорлар ўртасида

уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига муносиб равишда тақсимланади.

Шу билан биргаликда, амалиётга назар солсак, Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан берилган статистик маълумотларга кўра 2016 йил мобайнида дивидендларни тўланмаганлиги, ўз вақтида тўланмаганлиги ёки тўлашдан асосланмаган тарзда бўйин товлашга оид 40 та ҳолат аниқланган⁶.

Дивидендлар масаласида ҳам корпоратив муносабатлар яққол намоён бўлади, шунинг учун дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишни корпоратив муносабатларга таъсир кўрсатувчи юридик факт деб ҳисоблашимиз мумкин. Мисол учун, юқорида келтирилган қонунга асосан акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бунда қарор қабул қилиш умумий йиғилиш ваколатига кирса-да, бу жараён бевосита кузатув кенгаши тавсияси ёки аудитор хулосасига боғлиқ бўлиб қолади. Шунингдек, дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Бироқ, акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Бу жараён корпоратив бошқарув муносабатлардаги “ўзаро тийиб туриш” тамойилининг ўзига ҳос кўриниши деб эътироф этишимиз мумкин.

Корпоратив бошқарув юридик воситаси намоён бўладиган яна бир ҳуқуқий ҳаракат-йирик битим тузиш бўйича қарор қабул қилиш. Маълумки, Қонунчиликка асосан жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб

⁶ Батафсил маълумот учун қarang: www.csm.gov.uz

хисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

Ўз навбатида, йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин. Бу ҳолда умумий йиғилиш ўзига ҳос юқори турувчи инстанция вазифасини ўташи намоён бўлади.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Фикримизча, акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув субъектларининг ҳуқуқий мақоми каби юридик воситага алоҳида эътиборимизни қаратишимиз лозим, чунки бунда миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг такомиллаштириш масаласи ётади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан 2015 йил 24 апрелда “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли фармон имзоланди. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади мамлакатимиз иқтисодиётида бозор муносабатларини тўлиқ қарор топтириш, хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорликни ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат. Ўзбекистон корпоратив бошқарув соҳасида янги юридик восита ва усуллар киритиш—бу нафақат қонунчиликни такомиллаштириш, балки тадбиркорлик

субъектларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришни тақозо ҳам этади.